
"Маънавият фестивали" Бешариқ туманида!

Бешариқ тумани Якатут кишлоғида фестивал доирасида тадбир ташкил этилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Халқаро ислом академияси доценти-Б.Бердиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ахтамқули, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Эсонова иштирок этишди.

Тадбирда ҳокимнинг ўринбосари Отабек Собирович сўзга чикиб Референдумда ҳар бир шаҳс ўзининг фуқоролик позициясини танлаши, овоз бериш жуда муҳим масала эканлигини тушунтириди. Айникса ёшларни ушбу жараёнда иштирок этиши катта ютуқ эканлигини такидлади.

Маънавий тадбирда К.Эсонова томонидан куйланган қўшиклар барчани бирдек қувонтириди ҳамда кўтаринки кайфият улашди десак муболаға булмайди.

2023-04-11 14:42:45